



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўқон шаҳар “Қўшчинор” МФЙга қарашли У.Орипов кўчаси ҳудудидаги 5 та хонадонда яшовчи 18 нафар аҳолини оқава сув тармоғи билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

О қава сув бўйича

Қўқон шаҳар “Қўшчинор” МФЙ аҳолисини оқава сув таъминоти билан таъминлаш мақсадида, уланиш нуқтаси. “Қўшчинор” МФЙга қарашли У.Орипов ва Чаҳорбоғ кўчалари кесилишмасидаги мавжуд назорат қудуғидан полиетилен гофра бўлган диаметри $\varnothing=315\text{мм}$ қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан Д-200мм жами узунлиги 0.4 км бўлган оқава сув қузури тортиш, монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи:**



А.Гаюбназаров

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Қўқон шаҳар бўлими бош муҳандиси:**

Ш.Касимов

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Қўқон шаҳар ИЧБ бўлими бошлиғи:**

Э.Саидхонов